

Рамазон ойи муносабати билан Сомалидаги муҳтожларга ёрдам берилди



19:40 / 04.05.2021 1355

Туркия Қизил ярим ой жамияти муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Сомалининг турли минтақаларидаги муҳтожларга 1420 гуманитар ёрдам пакетларини тарқатди. Бу ҳақда ташкилот вакили Орхан Кокчу «Анадолу» агентлигига маълум қилди.

«Туркия Қизил ярим ой жамияти озиқ-овқат пакетларини тарқатишни яқин кунларда тугатади, аммо кундалик гуманитар ёрдам билан ишлашда давом этади», дейди Кўкчи.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Сомали ҳукуматининг қўшма баёнотида айтилишича, Африканинг ушбу давлатида қурғоқчилик ва иқлим ўзгариши сабабли 116 мингдан ортиқ одам кўчишга мажбур бўлган.

Шунингдек, Сомалининг 50 минтақасида яшаш ҳолати кучли қурғоқчилик туфайли ёмонлашиб бормоқда.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси